# Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси

**Ўзбекистон Парламентининг ўнинчи сессияси кун тартибидаги масалалар жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кузатилаётгани, бу борада турли фикрлар билдирилаётгани тайин. Бироқ ана шу масалалар юзасидан депутатларимизнинг ўзлари нима дейдилар!**

## БУ—ҒУРУР, БУ—ШАЪН

**Аҳмаджон ТОШМАТОВ,**
**Чуст район, Фрунзе номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи:**



— Герб давлатимизнинг шунчаки тамғаси — рамзигина эмас, у ғуруримиз, шаън-шавкатимиз. У бир қарашдаёқ одамни ўзига тортиши билан бирга халқимиз, эл-юртимиз орзу-умидлари, мурод-мақсадларини ҳам ифода этиши лозим. Шунинг учун уни қабул қилиш билангина иш битмайди. Энди ўша гербимизга лойиқ бўлишимиз, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш — муносиб бўлиш ҳақида қайғуришимиз лозим. Мени кўпроқ масаланинг шу томони қаттиқ ўйлантиради.

## ФУҚАРОПАРВАРЛИК

**Иброҳим ЮСУПОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири:**



— Конституциямиз лойиҳасига Қорақалпоғистонда ҳам айрича эътибор билан қараяпти. Бу табиий, албатта. Чунки биз бирданига иккита давлат фуқароси бўламиз. «Эпини топган қўзи икки совлиқни эмади» деган мақол бор. Албатта, бу гапим ҳазил, бироқ жиддий олиб қараганда бунинг фойдаси ҳам кўп. Бевосита қонун лойиҳасига келсак, Конституциямиз кўпроқ демократияга асосланишини истайман. Унда демократия қанчалик кучли бўлса, шунчалик узоқ яшайди. Ҳуқуқий давлат қурамиз, деяпмиз. Буни эса айнан мана шу ҳужжат таъминлаб беради. Фуқароларининг шахсий ҳуқуқини устивор билган мамлакатдагина ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин бўлади. Демак, Ўзбекистон Республикасини ҳақиқий ҳуқуқий мамлакат қилиш учун аввало Асосий қонун — Конституцияни фуқаропарвар этиб қабул қилиш керак.

**Суҳбатдош: А. БОЙҚЎЗИЕВ.**

## Ҳарбий хизматнинг янги тури

**Жамшид ЖУМАЕВИЧ ШОҲМАРДОНОВ,**
**генерал-майор, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси:**



— Сессия кун тартибига ҳарбий йўналишдаги қатор масалаларнинг киритилиши бежиз эмас, чунки биз ўзига хос улкан воқеа — армиямизни тузиш арафасида турибмиз. Ўзим бевосита масалаларни тайёрлаш, қонунларни ишлаб чиқишда қатнашдим. Жумладан, «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўпчиликни бепарво қолдирмайди. Бу ҳужжат республиканинг ўзига хос демографик, табиий манзарасидан келиб чиқиб тайёрланган.

Собиқ СССРда ҳарбий хизматга муқобил хизмат тури йўқ эди. Негаки, унга ҳожат бўлмаганди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, улкан ҳудудни серфарзанд республикалардан борган йигитлар қўриқлар, СССР Қуролли Кучларининг асосий юмуши уларнинг зиммасида эди. Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, унинг Қуролли Кучлари, албатта. чекланган миқдорда бўлади. Айни пайтда бизда бу ёшдаги йигитлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай шароитда республика олдидаги мажбурий хизматдан ҳеч кимнинг четда қолмаслигини ҳисобга олиб, муқобил (меҳнат) хизмати жорий этиладиган бўлди. Қонунда кўзда тутилган талабларга кўра, муқобил (меҳнат) хизмати ҳам мажбурий бўлиб, республикадаги ягона тартиб бўйича амалга оширилади. Бундай хизматга жалб қилинганларга 80 фоиз миқдорида маош тўланади, меҳнат таътиллари берилади. Бундан кейин мамлакатимизда катта ҳажмли қурилишларнинг кўп бўлиши кутилмоқда. Янги хизматнинг ташкил этилиши ана шундай жойларда юқори самара беради, республиканинг иқтисодий равнақига хизмат қилади.

**Ҳ. САТТОРОВ, суҳбатлашди.**

## ЗАНЖИР ҲАЛҚАСИ

**Саттор СУЯРОВ,**
**Тайлоқ тумани ҳокими муовини, республика Олий Кенгаши Қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитетининг котиби:**



— Сессия залида ўтириб, унинг иш жараёнини кузатиб, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат халқимиз ҳаётига қанчалик ҳаётбахш омил бағишлашини хаёлдан ўтказиб кўрдим. Маълумки, ҳозир кескин бурилишлар, янгича нуқтаи назарлар даври. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг муҳташам қасрига дастлабки ғиштлар қўйилди, у жадал қад ростламоқда. Ана шундай пайтда халқимиз келажакка асқотадиган дастурлар кутишга ҳақли ва шундай амалий жавоб бўлаяпти ҳам. Олайлик, кун тартибидаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ва (кейинчалик) қабул қилиниши кўплаб масалаларга ойдинлик киритади. Сир эмас, ҳозир инсоният оғир экологик тангликни бошидан кечирмоқда, ҳар хил чиқиндилар, оқова сувлар табиатни булғамоқда. Айтиш мумкинки, одамзот ўз қўли билан ўз ризқини заҳарлаяпти. Ана шундай шароитда тозалаш иншоотлари, муҳофаза қурилмалари барпо қилишга эътибор етарли эмас. Масалан, бизнинг Тайлоқ туманимизда тўртта қайта ишлаш корхонаси чиқиндиларини тозалайдиган иншоот қурилиши ўн бир йилдан буён давом этади. Ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар анчамунча, уларга маблағ керак. Бироқ бозор иқтисодиёти, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида зарур моддий сармояни топадиган манбаларни билмаймиз. Мен юқорида эслатган қонун ҳаётга жорий этилса, ана шундай имконият яратиларди. Хуллас, Олий Кенгаш фаолиятидан ўрин олган ҳар бир юмуш мамлакат тақдири учун катта аҳамиятга молик. Масалалар бирлаштирилса, яхлит занжирни ҳосил қилади.

## Соғлиқдан ортиқ бойлик йўқ

**Юсуфжон НИШОНОВ,**
**Фарғона дорилфунуни доценти, 424-Янгиқўрғон сайлов округи:**



Бу галги сессия кун тартибига қўйилган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасигача республикамиз Давлат санитария назорати собиқ СССРнинг 1970 йилги қарори асосида иш олиб борган. Бу йўналишдаги фаолият ўта чегараланган, санитария соҳасида юзага келган жиддий ҳолатларда ҳам кўриладиган чоралар деярли таъсирсиз эди. Исботланган хато-камчиликлар бўйича ташкилотлар раҳбарларига юборилган хатлар кўпинча жавобсиз қоларди.

Шу пайтгача бизда аҳолининг соғлом турмуш тарзига таъсир қиладиган йирик иншоотлар, корхоналар қуриб битказилгандан кейингина уни қабул қилиб олувчи комиссия таркибига санитария назорати вакили номига киритиларди. Қурилиш лойиҳаси ишланаётган, тайёрланаётган даврда уларнинг фикри ҳеч кимни қизиқтирмасди ҳам. Янги қонун қабул қилинса, шундай хато-камчиликларга чек қўйилади.

Янги лойиҳага шахсан менинг шундай таклифларим бор: 27-моддада айтилганидек, Ўзбекистон Давлат бош санитария врачи Ўзбекистон Президенти томонидан эмас, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши керак. Чунки вазирлик фақат даволаш ишлари учунгина эмас, халқ соғлиғини сақлаш вазифасига ҳам масъулдир.

Лойиҳанинг 5-бўлим, 34-моддасига қуйидаги иборани киритишни таклиф қиламан:

**«Юқумли касалликларга қарши эмлаш вакциналарини ташиш, сақлаш ва ишлатишда қўйилган хато ва камчиликлар учун айбдор шахсларга вакцина қийматини тўлаш, агар ишлатишда инсон соғлигига зарар етказилган бўлса, жавобгарликка тортиш шарт».**

Ушбу лойиҳа қонун сифатида кучга киргач, республикамиз ҳудудида кенг тарқалган юқумли касалликларнинг олди олинишига имкониятлар яратилиши, меҳнаткашларнинг шароити, турмуш маданияти яхшиланиши сари йўл очилиши шубҳасиз.

## ЛОЙИҲА МУКАММАЛЛАШДИ

**Тожихон ЗОИИТБОЕВА,**
**Андижон вилояти Ўрта Шаҳрихон қишлоқ совети раиси, 155-Пахтаобод сайлов округи**



**— Сессия кун тартибига қўйилган қайси масала юзасидан сўзлаш ниятингиз бор эди?**

— «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчийдим, агар сўз берилса.

**— Лойиҳанинг сўнгги ишланган нусхасида қайси жиҳатлар сизга маъқул?**

— Халқ таълими тизимида миллийлик, мустақиллик, ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, ўз тарихимиз ва урф-одатларимиз, муқаддас қадриятларимизга етарлича эътибор берилгани айни муддао.

**— Мазкур лойиҳанинг дастлабки кўринишлари аввалги сессия кун тартибига ҳам қўйилганди...**

— Ҳа, олдинги вариантлардан кўнглим тўлмаган. Масалан, халқ таълимини етарлича моддий асоссиз юксалтириб бўлмайди. Илгариги лойиҳа бўйича халқ таълимига ажратиладиган маблағ эҳтиёжини қопламас эди. Ҳозир бу камчиликка бир қадар барҳам берилган.

**— Бу борада халқ таълими ходимларининг фикрлари қандай?**

— Лойиҳани жуда кўп ўқитувчилар жамоаларида муҳокама қилдик. Ижобий фикрлар айтилди.

**— Демак, хулосангиз?**

— Лойиҳанинг қонун бўлиб кучга кирганидан хурсандман.

**М. УЛУҒОВА суҳбатлашди.**

## ҚОНУН БИРЁҚЛАМА БЎЛМАСИН



**Х. ШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон халқ депутати, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X сессиясидаги сўзи:**

—Ҳурматли депутат ўртоқлар! Ушбу қонун лойиҳаси назаримда фақат бир томонлама, яъни прокуратура ходимлари ҳақ-ҳуқуқларини кўзлаб тайёрланганга ўхшайди. Ахир халқ манфаатлари қаерда қолди? Прокуратуранинг вазифаси билиб ёки билмасдан қилган ҳатти-ҳаракатлари учун фуқароларни қамаш эмас-ку! Нега энди прокуратура кенг халқ оммаси ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш билан шуғулланмайди. Назаримда, улар одамларнинг жиноят қилишини пойлаб туришганга ўхшайди.

Лойиҳада прокуратурага жуда катта ҳуқуқлар берилган. Бу ҳуқуқлар демократик ва ҳуқуқий давлат манфаатларига тўғри келмайди, деб ўйлайман. Шунинг учун жиноят қилган прокурорлар ҳам қаттиқ жазоланиши керак. Мана бир мисол: «пахта иши» бўйича юзлаб, минглаб айбсиз одамлар қамалди. Уларнинг ноҳақ қамалганлиги исботланиб, озодликка чиқарилди. Аммо ушбу адолатсизликни содир қилган прокуратура терговчилари нега қамалмаяпти?

Уюшган жиноятчи гуруҳларга қўшилиб олган прокурорлар ҳамон жазосиз юришибди.

Прокурорликка номзод танлаш бўйича район, шаҳар, вилоят кенгашлари сессияларининг иштироки ҳақида қонун лойиҳасида ҳеч нарса дейилмаган. Нега энди ана шундай муҳим мансабга вилоят ҳокимияти ёки кенгаши иштирокисиз номзод танланади? Бу, менимча, ушбу давлат органларининг ҳуқуқини камситишдир, деб ўйлайман.

Фуқаро инсон содир этган жинояти учун қандай жазоланса, прокурор ёки терговчи худди шундай жазони икки баравар қаттиқроқ олиши керак. Шунинг учун қонун лойиҳасининг 56-моддасида прокуратура ходимларининг жавобгарлик даражасини кучайтириб ифода этиш керак ва уларнинг жиноятларини аниқлашни Олий Кенгаш қўмитаси халқ депутатлари гуруҳига топшириш лозим.

56-моддада «интизомий жавобгарликка тортиш низом билан белгиланади», дейилган. Бу жиноятни хаспўшлашдир. Прокурорларни жавобгарликка тортиш Низомда эмас, қонунда кўрсатилиши керак.

Мустақил Ўзбекистонда жиноятчилик билан боғлиқ иллатларга барҳам берилмас экан, жамият ҳеч қачон ривожланмайди. Ушбу қонун бирёқлама — «айтганим айтган, деганим деган» усулда ёзилган. Мен ушбу қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишни таклиф қиламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!

### УСКУНАЛАРНИ ТЕЛЕМЕХАНИКА БОШҚАРАДИ

**● КАТТАҚЎРҒОН сув омборида телемеханика қурилмасидан фойдаланилаяпти.**

ҚУРИЛМА бошқарув пункти ва аппаратлар мажмуидан иборат. 70 чақирим узоқдаги авария ҳолатларини ҳам бирвақт айтиб беради. Ҳавзадаги хизмат кўрсатиш ускуналарини бошқариш, телефон алоқаларини тартибга солиш, ахборотлар қабул қилиш ва уни кичик ЭҲМда қайта ишлашни ҳам қурилма бажараяпти. Энди хизматчиларнинг сув омбори сатҳини тўла назорат қилишларига имкон яралди.

### ЮРАКНИ АСРАНГ

**● ТОШКЕНТ районининг Ҳасанбой қишлоғидаги маҳаллий шифохонада реанимация бўлими очилди.**

БУНДАН сал илгари шу ерда районда ягона кардиология маркази ташкил этилганди. Сўнгги пайтларда юрак хасталигига чалинган беморлар кўпайди. Улар оғир аҳволда ўткир инфаркт, миокард билан келтирилаяпти. Шу боис кардиология хизмати ва кетидан реанимация бўлимининг иш бошлаши давр тақозоси бўлди. Бўлим МДҲда ва чет элларда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланган. Шифокор ва ҳамширалар Тошкентда малакали ёрдам кўрсатиш йўл-йўриқларини ўрганишган.

## ЎРИНСИЗ ЭҲТИРОСЛАРГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Республикамизни иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш, қўшни мустақил давлатлар билан тузилган шартномаларни кучга киритиш, биржалар фаолиятини қонунлаштириш, чет эл инвестицияларининг республикамиз иқтисодий ҳаётидаги барқарорлигини таъминлаш, банк ишларини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини қонун йўли билан муҳофаза қилиш каби йигирмага яқин масалалар сессия биринчи иш кунининг самарали якуни бўлди. Сессияга қадар масалаларнинг Олий Кенгаш комитетларида пишиқ-пухта тайёрланганлиги, уларнинг депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ғоят ишчанлик ва синчковлик билан ўрганилганлиги, жойлардан билдирилган таклиф-мулоҳазаларнинг қарор лойиҳасида ўз аксини топганлиги туфайли муҳокама давомида депутатларнинг ортиқча эҳтиросларга берилишига ҳожат қолмади.

— Ушбу қонунни қабул қилиш учун собиқ СССРнинг тарқаб кетиши, республикамизнинг мустақил давлат статусини олганлиги каби объектив сабаблар вужудга келди, — деди шу масала юзасидан сўзга чиққан Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитети раиси Э. Халилов. — Деярли 1,5 йил давомида умумхалқ муҳокамасига қўйилган ушбу қонун лойиҳасида инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла ҳимояланган. Ирқи, миллати, жинси, диний ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар Ўзбекистонда яшаб турган ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон фуқароси бўлишнинг ўз навбатида бир қатор масъулиятлари ҳам борки, бу фақат республикамиз шаънини шарафлашга, улуғлашга хизмат қилади.

Парламент аъзолари бир вақтнинг ўзида икки республика фуқароси бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги таклифни киритишга бўлган уринишларни асосли равишда рад қилдилар. Қонун юқори кўтаринкилик билан қабул қилинди.

Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси депутатларнинг қизғин мунозарасига сабаб бўлди. Лойиҳа юзасидан сўзга чиққан 421-Охунбобоев сайлов мавзеидан депутат Эргаш Мадумаров, 486-Қораўзак сайлов мавзеидан депутат М. Бозорбоев, 307-Нурота сайлов мавзеидан депутат З. Нуриддиновлар ёш авлодни тарбиялашдаги муаммоларни ўртага ташлаш билан бирга лойиҳадаги ўқитувчилар пенсия ёшларини эркаклар учун 55, аёллар учун 50 ёш қилиб белгилаш ҳақидаги бандларини қўллаб-қувватладилар ва бу қонунни тезроқ амалга киритиш лозимлигини таъкидлашди. Қонун бир овоздан қабул қилинди.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг 1985—1989 йиллар даврида Ўзбекистон фуқаролари жиноий ишларини кўриб чиққан собиқ Иттифоқ Олий суди ҳукмларини бекор қилиш ва уларни Ўзбекистон Олий суди томонидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифини депутатлар қизғин маъқулладилар.

Депутатларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлган «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси, «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси, «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида Олий Кенгаш қўмитасининг раиси В. Ниёзматов маъруза қилди. Шу масалалар юзасидан Ўзбекистон мудофаа ишлари вазири Р. Аҳмедов қўшимча тарзда ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳалари бўйича бўлиб ўтган музокараларда сўзга чиққан 356-сайлов округидан (Сурхондарё) сайланган депутат К. Турсунов ҳарбий комиссариатлар ишини тубдан ўзгартириш кераклигини ва ҳарбий машқлар ўтказиш учун албатта Олий Кенгаш розилигини олиш шартлилигини уқтирди.

Шу билан сессия биринчи иш кунини якунлади.

* * *

Сессиянинг иккинчи иш куни бир қатор қонун лойиҳалари муҳокамаси билан бошланди. Улар орасида «Муқобил хизмат (меҳнат) тўғрисида»ги қонун мажмуи алоҳида ўрин тутади. Шу масалада маъруза қилган Олий Кенгашнинг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари комитетининг раиси В. Ниёзматов лойиҳанинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Депутатларни қонун лойиҳаси учун якдиллик билан овоз беришга даъват этди.

Аммо муқобил хизматга жалб этилган ёшларга қайси ташкилот раҳнамолик қилади? Тўғрироғи, бу масалаларга Мудофаа вазирлигининг дахли бўладими, йўқми? Депутатлар ана шу хусусда икки хил фикр билдиришди. Ушбу қонун йўли билан хизматга чақирилганларни бошқариш учун Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида алоҳида бошқарма ташкил этса бўлмайдими? Умуман, ҳарбий хизмат ёшидагилар бу хизматга жалб қилинган экан, нега унга фуқаролик хизмати деб қараш керак? Бу ўринда Мудофаа вазири Р. Аҳмедовнинг фикри қатъий эди. У ўз маърузасида ундай хизмат фақат Мудофаа вазирлиги иноннихтиёрида бўлиши кераклигини айтди. Аммо депутатлар муҳокама якунида дастлабки таклифни ёқладилар.

Сессия кун тартибидаги «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тўғрисида»ги ҳамда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ортиқча баҳс-мунозараларсиз қабул қилинди.

«Ўзекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кутилганидек сессия қатнашчиларининг энг қизғин муҳокамасига сабаб бўлган масалалардан бири бўлди. Республика прокурори Б. Мустафоевнинг лойиҳа ҳақидаги ахборотидан сўнг сўзга чиқувчилар навбати кўпайиб кетди.

Жиззахлик депутат Х. Шукуров айниқса ҳаётий таклифларни ўртага ташлади. (Унинг маърузаси газетамизда алоҳида берилмоқда). Хусусан, бегуноҳ одамлар йиллаб қамоқда ётиб оқланганидан кейин нега уни қамаган прокурор, судья устидан жиноий иш қўзғатилмайди? Лойиҳада уларнинг жавобгарлигини ошириш зарурлигини белгилаш тўғрисидаги таклиф айниқса диққатга сазовордир.

— Бешинчи моддада Ўзбекистон прокурори беш йилга сайланиши, Олий Кенгашга беш йилда бир ҳисоб бериши ёзилган, — деди наманганлик депутат Парпишер Саидазимов, — бу нотўғри. Прокурор Олий Кенгаш олдида ҳар йили ҳисоб бериб туриши керак. Прокурорнинг тергов олиб боришига қаршиман. Прокурор—лотинча «ғамхўрлик қиламан ва бошқараман» деган экан. Мана шу номга содиқ қолиши, фақат шу вазифани сидқидилдан бажариши лозим. Яъни, терговни прокуратура ва милициядан олиб, Вазирлар маҳкамасига бўйсунадиган алоҳида комитет қилиш зарур.

Самарқандлик депутат С. Бобомуродовнинг таклифи ҳам кўпчиликка маъқул тушди: — Суднинг устидан прокурор назорати бўлмаслиги, суд олдида прокурор ҳуқуқи ҳимоячи ҳуқуқидан устун бўлмаслиги керак. Етмиш йил мобайнида суднинг устидан прокурор хўжайинлик қилгани учун қонун оёқ ости бўлиб келди. Прокурор фуқаронинг ҳуқуқини поймол қилса, у кимга боради арз қилиб? Судга бориши керак, шунинг учун жаҳон практикасидан келиб чиқиб лойиҳага «...Судга мурожаат қилиши керак» деган бандни қўшиб қўйиш лозим. Шу мулоҳазалардан сўнг прокуратура тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, рўзномаларда халқ муҳокамасига тақдим этилгач, кейинги сессияда қабул қилишга келишилди.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида 382-Ворошилов сайлов мавзеидан депутат, Комсомол район ҳокими Ш. Мирзаев маърузаси тингланди.

— Кўп ҳолларда деҳқон хўжаликларининг иш функциялари тўғри белгиланмайди. Уларни ижарачилар билан чалкаштириб юборадилар. Аслида деҳқон хўжаликлари юридик шахслар бўлиб, улар банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга. Деҳқон хўжаликларини тузиш ерни хусусийлаштириш учун бошланган энг самарали усуллардан биридир. Муҳими, у маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоққа эгалик қилади.

Ушбу қонун лойиҳаси узоқ муддат халқ муҳокамасида бўлди. Уни такомиллаштиришга қаратилган 300 дан кўпроқ таклифлар олинди. Шулардан 40 дан кўпроғи қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Қонун депутатлар томонидан тасдиқланди.

Кун тартибидаги давлат санитария назорати, қонунчилик, қонунийлик, ҳуқуқтартиботга ва республиканинг бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид барча масалалар муҳокама этилиб, қонун кучига киритилди.

Шу билан Ўзбекистон Олий Кенгаши ўнинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,**
**А. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**А. БОЙҚЎЗИЕВ,**
**Ю. БЕКМУРОДОВ,**
**Ж. САФОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

*Туркия—Ўзбекистон:*

## ДЎСТЛИК ТЕЛЕКЎПРИГИ

**Ўзтелерадиокомпанияси ҳамда Туркия телевидениe ва радиосининг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувига мувофиқ, Ўзбекистон аҳли июль ойининг биринчи кунидан бошлаб Туркия телевидениесининг беш соатлик «Евроосиё» канали дастурларини мунтазам томоша қилиш имконига эга бўлди.**

Ойнаи жаҳонда икки қардош халқлар ҳаёт тарзи, шаҳарлар, меъморчилик иншоотлари, табиат манзаралари акс этган лавҳалар, ёзувлар зоҳир бўлди, кўпчиликка таниш турк мусиқаси янгради. Туркия телевидениесининг хушрўй сухандони Гюлен Бикан бизни кўрсатув дастури билан таништирди. Биринчи кўрсатув — тамойилга кўра болаларга, энг жажжи томошабинларга бағишланган.

Етмишинчи йилларнинг бошида саноатни тубдан ислоҳ этиш, хусусий секторни мустаҳкамлаш, технологияни замонавийлаштириш йўлини тутганидан сўнг эришилган Туркиянинг «иқтисодий мўъжизаси» ҳақида ҳозир кўп ёзилаётир. Ўшанда асосий диққат-эътибор таълим жабҳасини ўзгартиришга қаратилган эди.

Болаларга бағишланган ярим соатлик кўрсатувни томоша қилиб бўлганимдан сўнг ўйланиб қолдим: муваффақиятлар сир-асрори ана шунда эмасмикан? Болага муҳаббат билан — суюб-эркалаб ҳамда унинг ижодий қобилиятини ўстириш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш лозимлигини тушунган ҳолда муносабатда бўлмоқ керак. Болалар ўйнаб-кулиб ўсишади. Инкор этиб бўлмас бу ҳақиқатни доимо ёдда тутадиган кўрсатув муаллифлари қўшиқ-топишмоқ, қувноқ эртак-мультфильм, қўғирчоқ театрлари асарлари ёрдамида ёш томошабинлар диққатини қаттиқ жалб эта олишган. Улар ҳатто фойдали маслаҳат ва хабарларни ҳам кўрсатув орасига усталик билан сингдириб юборишган. Тилини яхши тушунмасалар-да, бизнинг мактаб ёшигача бўлган болаларимиз шундай дарс олишдики, синфхонадаги муаллим ҳам уларнинг ўзлари бўлишди — бунга ишончим комил.

Ғамгинлик ва бир хиллик — болалик дунёсини ҳалокатга етаклайди. Болалар — мисоли кўркам чаманзордаги гуллар. Туркия ойнаи жаҳонида уларни худди ана шундай табиий ва эркин, чиройли ва бежирим кийинган ҳолда кўрсатишди.

Истанбулликларда шундай ибора бор: «Парижда эрталаб нима бўлса, худди ўша кечқурун — бизда» дейишади. Бу айниқса уларнинг кийинишида сезилади — орасталиги, демократликлари кишида катта таассурот қолдиради. Турк биродарларимиз тажрибаларини қўллаб биз ҳам шундай истиқболга борамиз, деб умид қилсак бўлади — ўзига хослигимиз, миллий қадриятларимизни сақлаган ҳолда, албатта.

Ойнаи жаҳон кўзгусида масжидлар қуббалари, мадрасалар, турли даврларда мамлакатни идора этган юртбошилар саройлари, машҳур турк ҳаммомлари иморатлари, карвонсаройлар, кутубхоналар, тўрт денгиз қучоғидаги мамлакатнинг бетакрор табиати қўйнида жойлашган турар-жой даҳалари кўринди. Кадр ортидан мутахассис олим оҳиста, равон ҳикоя қила бошлади... Назаримда кўпсонли телетомошабинлар матн мазмунини тушунишлари учун бундай кўрсатувларни басма-бас таржима билан бериш лозим.

Ойнаи жаҳон янгиликлари, амалий алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётган эмасми, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳақидаги лавҳалар ҳам ҳавола қилинди. Сайёҳлар учун алоҳида кўрсатув, болалар хори концерти, таниқли турк қўшиқчилари чиқишлари, кинофильм, ёшлар учун кўрсатув ҳаво мавжлари орқали бизга инъом этилди.

Бир сўз билан айтганда, бошланиши ёмон эмас. Тасвир узатишдаги баъзи бир жузъий нуқсонлар кўрсатувлар мазмундорлигини сираям пасайтиргани йўқ.

**Р. ҲАКИМОВ.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Берунийдаги «Агрокоммунстройремонт» ташкилоти йил бошидан бери қарийб 1 миллион 300 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида йилига 2,5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод имкониятидан унумли фойдаланилмоқда. Бундан ташқари уй қураётганлар учун эшик ва деразалар ҳам тайёрланмоқда.

Элликқалъа райони маҳаллий саноат комбинати шу йилнинг дастлабки беш ойида 600 минг сўмлик турли маҳсулот ишлаб чиқарди. Корхона яқинда «Қирққизобод» жамоа хўжалигининг эски маъмурий биносини таъмирлаб, консерва цехи очди. Бу ерда мавсум давомида бир миллион банка помидор пастаси, хилма-хил тузлама ва шарбат тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Беруний райони ҳокимлиги хўжалик, бўлим, мавзе, кўча, мактаблар муносиб ном билан аталишига алоҳида эътибор бермоқда. Беруний номидаги давлат хўжалигининг Стаханов, Чкалов, Дмитров, Куйбишев, «Комсомол», «Правда», «Октябрь 50 йиллиги» бўлимлари «Найман», «Меҳнаткаш», «Намуна», «Беруний», «Кангшартол», «Бийбозор», «Дўстлик» деб атала бошлади.

**(ЎзА мухбири).**

